O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 13-MAY ■ PAYSHANBA ■ 58 (27.233) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САОДАТ КАЛИТИ

**Илгари хабар қилинганидек, 11 май куни Оқсарой қароргоҳида Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссиянинг йиғилиши бўлди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.**

Аждодларимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқаётган истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори, умуммиллий масала бўлмиш таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Қисқа даврда соҳа равнақи йўлида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилди. Чунки келажагимиз пойдевори мактабда бунёд этилади. Улуғ ватандошларимиздан бири таъкидлаганидек, мактаб — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг калитидир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асносида, мактабларнинг моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ушбу масалага яна бир бор атрофлича тўхталиб, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати, моддий-техника базаси қониқарли ҳолатда эмаслигини жиддий танқид қилган эди.

Ҳозирги кунда кўплаб мактаблар ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган. Айрим мактабларда болалар икки сменада ўқимоқда. Мактабларнинг ярмидан кўпроғи компьютерлар билан жиҳозланган, холос. Интернет тизимига уланган мактаблар ҳали жуда оз.

Мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар ҳам анчагина. Чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Ислом Каримов мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳомий ташкилотлар, бу муҳим ишнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англайдиган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Дастурни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилган эди. Республикамиздаги барча мактаблар моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилганди.

Ўтган давр мобайнида Махсус комиссия юртимиздаги жами мактабларнинг аҳволини ўрганди ва шу асосда Дастур лойиҳасини ишлаб чиқди. Ишчи гуруҳлари томонидан жойлардаги мактаблар Фармойишда белгиланган тартибда тўлиқ рўйхатдан ўтказилди, паспортлаштирилиб, тегишли хулосалар тайёрланди.

Йиғилишда ушбу Фармойиш ижроси бўйича бажарилган ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Юртимиздаги барча мактабларни бешта йўналиш бўйича бугунги замон талабларига қиёслаб атрофлича ўрганиб чиқиш юзасидан тегишли топшириқлар берилган эди, деди Ислом Каримов йиғилишни очар экан. Чуқур танқидий-таҳлилий хулосалар асосида тайёрланаётган Дастурда минтақаларда, айниқса, қишлоқ жойларда ана шу йўналишлар бўйича йилма-йил амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топиши керак.

Биринчи йўналиш — мактаблар, шу жумладан, бориш қийин бўлган ҳудудлар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини реконструкция қилиш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзили аниқ кўрсатилган режаларини ишлаб чиқиш, мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш каби масалаларни қамраб олади.

Бу йўналиш бўйича таҳлилларни баҳолар экан, Президентимиз, жойлардан билдирилаётган «энг маъқул ва яхши йўл — янги мактаблар қуриш, чунки эскиларини таъмирлаш қимматга тушади» қабилидаги айрим таклифларни чуқурроқ, атрофлича ўрганиш ва ўйлаб кўриш, шундан кейингина хулоса чиқариш кераклигини таъкидлади.

Ишлаб турган мактабларни реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жорий таъмирланадиган мактаблар қаторига киритиш учун аниқ мезонлар белгиланиши лозим. Авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига янгилари қурилиши даркор. Бунда мактабларни реконструкция қилишга оид бир хил типдаги лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Ислом Каримов аниқ лойиҳаларсиз қўл урилган ишнинг салбий оқибатига мисол сифатида Қамаши туманидаги мактабни эслатиб ўтди. Иш бошиданоқ аниқ лойиҳа мавжуд бўлмагани, бажариладиган ишлар ҳажми пухта белгилаб олинмагани учун бу ерда тўрт йил бурун зилзиладан зарар кўрган мактаб биносини тиклаш ишлари ҳалигача поёнига етгани йўқ.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш борасидаги ягона йўл — жойлардаги ҳар бир мактабнинг ҳолатини пухта ўрганиб, тарҳини чизиб, қайси турдаги лойиҳага мос келишини аниқлашдир. Шунда тегишли лойиҳа бўйича реконструкция қилиш учун қанча маблағ ажратиш кераклиги ва қандай кўламдаги ишларни бажариш тақозо этилиши ҳам ўз-ўзидан равшанлашади.

Ишни пухта, режали, ҳамма жиҳатларини тўла ҳисобга олган ҳолда бошлаш даркор, деди Юртбошимиз. Шундай экан, мактабларни муайян турлар бўйича таснифлаб, ҳар бир турдаги мактаб учун қатъий лойиҳа макетларини чизиб, меъморий ечимларини ҳал этиш керак. Албатта, намунавий лойиҳа муайян шарт-шароитга мослаштирилади.

Ислом Каримов мактаб таълимини ривожлантириш истиқболлари хусусида сўзлар экан, шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовутларни адолатсизлик, деб баҳолади. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик асосий мақсадлардан бири бўлиши зарурлигини уқтирди.

Намунавий лойиҳанинг яна бир афзаллиги — уларда хавфсизлик кафолати мавжуд эканидир. Давлат интизомига қатъий амал қилган ҳолда яратилган лойиҳалар бўйича қурилган мактабларда, айтайлик, табиий офат туфайли бирон-бир ҳалокат содир бўлса, тегишли мутасаддилар жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Давр ва ислоҳотларимиз талабларидан келиб чиқиб жорий этишга киришаётган ушбу ишларимиз миқёси лицей ва коллежлар қурилишига нисбатан анча кенг ва кўламлидир, — деди давлатимиз раҳбари. — Фарзандларимиз таълим ва тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган бу саъй-ҳаракатларимиз миллатимизнинг, халқимизнинг буюк келажагини ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлардир.

Фармойишда белгиланган иккинчи йўналиш — мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш борасида сўзлар экан, мамлакатимиз раҳбари бу ишлар қурилиш ва таъмирлаш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш — Фармойишда қайд этилган учинчи йўналишдир.

Мактаб таълими тизимидаги эски стандартлар ҳалигача кўриб чиқилмаган, деди Президент. Соҳа бўйича мавжуд меъёрларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, ўрганиб чиқиш, муайян қисмини янгилаш, кераксизларини бутунлай бекор қилиш даркор.

Янги меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда шундай жиҳатлар ҳисобга олиниши керакки, ҳар бир ўқитувчи, таълим соҳаси ходими бола тимсолида шахсни кўрсин, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши борасида ўзининг масъул эканини доимо ҳис этиб турсин.

Тўртинчи йўналиш — умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашдир. Педагоглар таркиби сифатини яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини янада рағбатлантириш мактаб таълимини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ишлар тўла-тўкис амалга оширилса, аввало, педагогикага оид ўқув юртларини битириб бошқа соҳаларга ишга кетиб қолаётган мутахассислар мактабга қайтади. Ўз навбатида, ўқитувчиларнинг масъулияти ортади, ишига рағбати кучаяди. Бу эса ёшларимизни турли оқимларга қўшилиб қолишдан асрайди, уларни фойдали ишга жалб этишда, демакки, эл-юрт учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия — ўзаро узвий боғлиқ шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Бугун мактаб ўқувчиларининг нафақат жисмоний, балки маънавий камолоти ҳам спортга бевосита боғлиқ эканидан халқимиз яхши хабардор, деди Юртбошимиз бешинчи йўналиш — мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб. Бу борада амалга ошираётган кенг миқёсли ишларимизни ҳамма кўриб турибди ва маъқулламоқда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурларимизни изчил амалга оширишда давом этишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари юқорида баён этилган улкан ҳажмдаги, ниҳоятда салмоқли ишларни бажариш учун молиявий манбаларни аниқ белгилаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш келажакда мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш ва замон даражасига мос тарзда юксалтиришга хизмат қилади.

Олдимизда бир-икки йилни эмас, балки неча ўн йил илгарини ўйлаб қилиниши лозим бўлган ғоят масъулиятли вазифалар турибди, деди Юртбошимиз пировардида. Бу ишларни ҳар томонлама пухта ва режали асосда ташкил этишимиз керак. Умуммиллий аҳамиятга молик ушбу ишларимиз 5-6 йилдан сўнг ўз самарасини беришига ишонаман. Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

Юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида буюк келажак барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган халқимизнинг мактабларимиз аҳволини тубдан ўзгартиришга, бу борада ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасликка қаратилган бундай хайрли саъй-ҳаракатлари тез орада юксак самара беришига шак-шубҳа йўқ.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Россия президентларининг шу йил апрель ойида Москвада ўтган учрашувида мамлакатларимизнинг ҳарбий маҳкамалари ва махсус хизматлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириши зарурлиги таъкидланган эди.

Ислом Каримов суҳбат аввалида ўтган ҳафта охирида Чеченистонда содир этилган террорчилик муносабати билан Россия халқи ва раҳбариятига ҳамдардлик билдирди. Россия мудофаа вазирининг ташрифи икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки хавфсизлик масалаларида ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган.

С.Иванов самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори деб билишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатлари бир-бирига боғлиқ эканлигини, бу иллатга қарши курашда ҳамкорликни янада кучайтириш икки томон манфаатларига мос келишини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистондаги вазиятга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# РОССИЯ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил апрель ойида Москвага ташрифи чоғида эришилган аҳдлашувлар самараси сифатида қаралаётган мазкур ташриф Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганининг яққол далилидир.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро террорчилик, диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш, турли халқаро тузилмалар, хусусан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги алоқаларни кенгайтириш, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига доир масалалар ҳақида сўз борди.

Россия мудофаа вазири С.Иванов Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар билан танишди.

**(ЎзА)**



Қарши шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида ўқувчиларга мукаммал билим бериш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда. Бу ерда айниқса, спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактаб вакиллари шаҳар, вилоят ва республика мусобақаларида иштирок этиб келишмоқда.

— Спортчиларимиз мактабимиз фахри, — дейди мактаб директори Соҳиб Жалилов. — Яқинда ҳомийлар ёрдамида мактаб спорт залини таъмирдан чиқариб, қайта жиҳозладик. Ўқувчиларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун имконият янада кенгайди.

✧✧✧

**Суратда:** мактаб директори Соҳиб Жалилов ўқувчилар билан.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

# «ВОҲАДА БЎЛГАНИМДАН ХУРСАНДМАН»

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, жаноб Жон Роберт Пурнелл Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф доирасида элчи жаноблари вилоят ҳокими Т.Қодиров билан учрашди. Мулоқот жараёнида улар бир-бирларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳамда АҚШ молиявий ҳамкорлиги асосида вилоятда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши масалаларида фикрлашдилар.

Шундан сўнг мартабали меҳмон, иштирокида Термиз шаҳридаги ўқувчилар саройида АҚШнинг молиявий ёрдами билан ташкил этилган «Америка бурчаги»нинг расман очилиши маросими бўлиб ўтди. Бу ерда инглиз тили курслари фаолият юритиши, дўстлик кечалари, баҳс-мулоқотлар, семинарлар ўтказилиши мўлжалланган.

Элчи жаноблари Жарқўрғон тумани «Янгиобод» маҳалласидаги АҚШ иқтисодий кўмагида таъмирланган 28-ўрта мактабда ҳам бўлди.

— Сурхон воҳасига келганимдан жуда хурсандман, тарихи жуда қадим даврларга бориб тақаладиган Термиз шаҳри ҳақида кўп эшитган эдим. Шаҳар жуда гўзал, обод экан, — деди элчи илк таассуротларини баён этиб.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Устюрт даштлари, Султонувайс тоғлари бағрида ер ости бойликлари захиралари кўп. Мустақиллик йилларида улар чуқур ўрганилди. Энди халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Яқинда Қўнғирот тумани марказида газ конденсатини қайта ишлайдиган янги «Ийгилик газ» масъулияти чекланган жамият тасарруфидаги Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу ерда бир кеча-кундузда 220 тонна газ конденсати қайта ишланади. Унинг 60 фоизини сифатли бензин, 30 фоизини солярка, 10 фоизини керосин маҳсулотлари ташкил этади. Яқин келажакда корхонанинг кунлик қуввати 450-500 тоннага етказилади.

**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

# «ҚИММАТГА ТУШГАН МЕҲМОНДОРЧИЛИК»

**Газетанинг шу йил 7 февраль сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада мусодара масаласи ноқонуний амалга оширилганлиги хусусида фикр юритилган эди. Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судидан қуйидагича жавоб келди.**

«Фуқаро И.Эргашеванинг «Ауди» русумли автомашинаси асоссиз мусодара қилинганлиги тўғрисида «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Қимматга тушган меҳмондорчилик» сарлавҳали мақола юзасидан А.Маматовга оид жиноят иши текшириб чиқилди.

Жиноят ишини ўрганиш натижалари бўйича А.Маматов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган суд қарорларининг И.Эргашевага тегишли давлат белгиси П 1594 ФЕ бўлган «Ауди» русумли автомашинани давлат фойдасига ўтказиш ҳақидаги қисмини бекор қилиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест билдирди.

**Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Ю.ТУРСУНБОЕВ».**

# РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ



Жарқўғонлик пиллакорлар маррага етдилар.

Туманда пилла тайёрлаш шартномавий режаси бажарилди. 122 тонналик «кумуш тола» хирмонида туманнинг Т.Шобуров, А.Навоий, «Халқобод» ва Н.Боймуродов номли ширкат хўжаликлари ҳамда «Жарқўрғон-Сурхон сувдан фойдаланувчилар уюшмаси» жамоаларининг ҳиссаси катта бўлди. Ж.Норғучова, О.Жумаева, М.Бобоқулова, М.Юсупова сингари пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 80-90 килограммдан ошириб ҳосил топширишди.

Пиллакорлар режага қўшимча яна 5 тонна «кумуш тола» етиштиришга ва мавсумда 100 миллион сўмдан ошиқ даромад олишга аҳд қилдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

# АСКАРЛАР МИННАТДОР

Куни кеча Ўзбекистон ХДП МК тарғиботчилар гуруҳи Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида (қисм командири подполковник Бахтиёр Бекмурзаев) бўлиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг долзарб мавзуларида суҳбат ўтказди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Аслиддин Рустамовнинг Олий Мажлис XIV сессияси ва унда қабул қилинган қонунлар, Президент Ислом Каримовнинг ушбу сессиядаги нутқида баён этилган қоида ва хулосалар, парламентнинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномаси ҳақидаги фикрлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Нотиқ йиғилганлар эътиборини «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун аҳамияти, республика Қуролли Кучларининг халқаро терроризмга қарши курашдаги ролига ҳам қаратди. Мулоқотда шунингдек, Марказий Кенгаш бош маслаҳатчиси Собир Қурбонов ва Чирчиқ шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Дониёр Тошхўжаев иштирок этдилар. Тарғиботчилар ҳарбийларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Қисм командири учрашув якунида меҳмонларга миннатдорчилик билдириб, бундай учрашувлар анъана бўлиб қолишига умид билдирди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVAMEBEL
«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

# ҲАЛОЛ ВА АДОЛАТЛИ КУРАШ ҚОИДАЛАРИГА МУВОФИҚ

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИ МИХАИЛ ЕЛЬШОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТИНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

**— Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ривожланишини Сиз қандай баҳолайсиз? Улар мамлакатда кўппартиявийликни ривожлантириш талабларига жавоб бера оладими?**

— Бугун менимча, мустақиллик эълон қилингандан буён Ўзбекистонда ҳақиқий кўппартиявийликнинг қарор топиши учун зарур шароитларни яратиш бўйича изчил ва мақсадли чоралар кўрилаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Бу борада катта эътибор ривожланган демократик давлатларда қабул қилинган қоида ва ёндашувларга мувофиқ бўлган тегишли ҳуқуқий шароитларни шакллантиришга қаратилмоқда.

Маълумки, бу жараён 1991 йил охирларида, ёш мустақил давлатнинг сайлов ҳуқуқи илк ҳужжатларидан бири — «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш билан бошланган. 1991 йилнинг декабрида мамлакат тарихида биринчи марта Президент сайловлари муқобиллик асосида ўтказилиб, кейинчалик кўппартиявийлик ва вакиллик демократиясини ривожлантириш учун ниҳоятда қимматли бўлган тажрибани орттиришга ёрдам берди.

Мамлакатда сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийликка асосланган, жаҳон андазаларига жавоб берувчи парламент демократиясини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини ривожлантиришда 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, алоҳида аҳамият касб этди.

Конституциявий меъёрлар доирасида мутлақо янги сайлов қонунчилиги босқичма-босқич ривожланмоқда. 1994 йилдаёқ парламент сайловлари кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Уларнинг якунлари бўйича Ўзбекистон Халқ демократик, «Ватан тараққиёти» ва сайловлар ўтиши билан тузилган «Адолат» Социал-демократик партиялари Олий Мажлисда ўз фракцияларини туздилар.

Шундан кейинги беш йил Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун парламент фаолияти сир-синоатларини ўрганиш, сайловчилар орасида уларнинг кўнглини олиш ва қўллаб-қувватлашувига эришиш учун ишлаш даври бўлди.

Мазкур даврда, шунингдек, мамлакат раҳбарияти ишлаб чиққан туб ўзгаришлар бош йўлига мувофиқ, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларининг меъёрий-ҳуқуқий негизини яратиш жараёнлари жўшқин борди.

Сиёсий хилма-хилликни ривожлантириш нуқтаи назаридан 1996 йилда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги катта қадам бўлди. Шу билан бир пайтда, умуминсоний демократик меъёрлар ва қадриятлар, мустақиллик йилларида демократик ўзгаришлар натижасида тўпланган, ўз тажрибамиз асосида сайлов қонунчилигини мақсадли ривожланиши таъминланди.

Шунинг учун, 1999 йилдаги сайлов мавсуми, биз ўйлаган натижаларни бермаган бўлсада, сиёсий партиялар учун рақобатнинг ошиши билан ўзига хос бўлди. Маълумингизким, иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлик корпусида кўпчилик сиёсий партиялар вакилларидан эмас, балки иккита блок — давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ва фукаролар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлардан ташкил топди. Сайлов қонунчилигининг ривожланиши мамлакат Президентининг бундан кейинги ташаббуси билан амалдаги Олий Мажлисни икки палатали профессионал парламентга айлантиришга ҳамда унинг қуйи палатаси — Қонунчилик палатасида асосан партиявий вакилликни таъминлашга йўналтирилган парламент ислоҳоти доирасида бормоқда.

Нафақат Ўзбекистон ХДП, балки мамлакатда фаолият кўрсатаётган бошқа партиялар нуқтаи назаридан ҳам қараганда, сайлов қонунчилигидан давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидан номзодларни кўрсатиш ҳақидаги қоиданинг олиб ташланиши ҳамда сиёсий партияларнинг парламент сайловларида иштирок этишига доир бошқа қатор меъёрларга аниқлик киритилиши бу ишнинг бош самараси бўлди.

Бу борада жорий йилнинг 30 апрелида Олий Мажлис XIV сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши катта аҳамият касб этади. Сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокини молиялаштиришни кўзда тутган ундаги мурватлар, бу Қонунни ҳам сайлов қонунчилигининг таркибий қисмига айлантиради. Шуниси муҳимки, бу Қонуннинг қабул қилиниши 2004 йил сайловларидаёқ ривожланган демократик мамлакатларда кенг ишлатиладиган ҳозирги замон сайлов технологияларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. Демак, сайловолди рақобат янада кучаяди, партияларнинг Қонунчилик палатасида етакчилик қилиш учун курашининг мазмуни бойиб, унга электоратнинг қизиқиши ортади.

Шундай қилиб, айтилганларни умумлаштирсак, босқичма-босқич олиб борилган ишлар натижасида Ўзбекистонда халқаро андазаларга жавоб берадиган доимий равишда такомиллашиб борадиган қонунчиликка асосланган, ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг сайловларда манфаатдор ва фаол иштирокини таъминлаётган сайлов тизими шаклланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз парламент фракцияси орқали бу жараённинг барча босқичларида бизнинг сиёсий манфаатларимизга жавоб берувчи қонунчилик меъёрларини қабул қилиш ва уларга бизга мақбул ўзгартиришларни киритишда бевосита иштирок этиб келди.

**— Бу, ҳозирги пайтга келиб қарор топган Ўзбекистон сайлов қонунчилиги партияни тўла-тўкис қониқтиради ва унга ҳеч нарсани қўшишга ҳам, олиб ташлашга ҳам зарурат йўқ деганими?**

— Ўйлайманки, ҳеч бир мамлакатда сайлов қонунчилиги бир мартада ва ниҳоят даражада такомиллашган, шаклланган, абадий бир ҳолга келтирилмаган. Бу, айниқса, бизнинг жўшқин ривожланаётган мамлакатимиз учун адолатлидир.

Мамлакатимизда турли жараёнлар фаоллик билан ўтаётир. Аҳолининг фуқаролик электорал маданияти ошиб бормоқда. Фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этишга иштиёқи ортмоқда. Сиёсий партияларнинг сайлов кампанияларини ўтказишдаги тажрибаси бойимоқда.

Буларнинг ҳаммаси сайлов қонунчилиги ривожланишига таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун, бизни бугунги кунда тўлиқ қаноатлантириб турган сайлов меъёрларига, кейинги сайловларда юқорида баён этилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлик киритиш ва ривожлантиришни талаб этиши табиийдир.

Назаримизда, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш давомида ҳам сайлов жараёнларини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш имкониятлари ҳали ниҳоясига етмаганлиги сезилмоқда. Чунончи, сайлов тўғрисидаги қонунлар янги таҳрири лойиҳаларининг муҳокамаси пайтида парламентдаги фракциямиз сайлов муолажаларини такомиллаштириш юзасидан, уларни жамият учун янада ойдинлаштириш ва унинг натижаларини мумкин бўлган сохталаштиришдан ишончли тарзда сақлашга қаратилган қатор таклифлар киритди. Уларнинг бир қисми қонунларга киритилган тузатишларда ўз аксини топди. Лекин, эътиборга лойиқ баъзи таклифларимиз ҳисобга олинмай қолди.

Шунинг учун, биз бу масалага қайтишга ҳали ҳам кеч эмас деб ҳисоблаймиз. Қонунга ўзгартиришлар киритмаган ҳолда ҳам, мазкур масалаларни Марказий сайлов комиссиясининг тегишли меъёрий ҳужжатларида инобатга олса бўлади.

Хусусан, овоз бериш учун бюллетенларни марказлаштирилган тартибда тайёрлаш масаласига аниқлик киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Бу масалада сохталаштиришга мутлақо йўл қўймаслик учун уларни Тошкентда қимматли қоғозлар ва бошқа сохталаштиришдан юқори даражада ҳимоя қилишни талаб қиладиган матбаа маҳсулотларини чиқаришга мосланган, тегишли матбаа корхонасида чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сайлов участкаларига бюллетенларнинг олиб келиниши ҳисоб-китобини ҳужжатлаштириш ва сайлов куни улардан қандай фойдаланганлигини тегишли баённомаларда аниқ акс эттириш масаласи ҳам жуда муҳимдир.

Ўтган сайлов натижаларидан қаноатланмаган сиёсий партиялар етакчилари, фаоллари ва сайловда ютқазган номзодларнинг муайян қисми сайлов комиссияларини сайлов участкаларида кузатувчилар бўлишини тан олмаганликларини юзига солдилар. Шу муносабат билан, Марказий сайлов комиссиясига ўз тегишли меъёрий ҳужжатларида қуйидаги тартибни кўзда тутишни таклиф қилар эдик: унга мувофиқ, округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларининг фақат тегишли участкалардаги барча кузатувчилар томонидан имзоланган баённомаларни кўриб чиқиш учун қабул қиладилар.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишга рухсат бериш бўйича қарор қабул қилишида ҳам турли саволлар пайдо бўлиши мумкин. Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун (20-модданинг 5-хатбошиси) партиянинг сайловларда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи фуқароларнинг «Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда», «Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади» дейилган. Бизнингча, Марказий сайлов комиссиясининг тегишли йўриқномаларига аниқлик киритувчи ҳужжатда «Марказий сайлов комиссияси агар имзолар рўйхатидаги имзоларни тўплаш учун масъул бўлган сиёсий партиялар вакиллари томонидан имзоларнинг атайлаб сохталаштирилганлиги исботланса, партиянинг сайловларда иштирок этишини рад этиш бўйича қарор, қабул қилади», — деб ёзиб қўйиш лозим.

Парламентдаги фракциямизнинг Марказий сайлов комиссиясига яқин кунларда тақдим этмоқчи бўлган яна қатор таклифлари бор. Бизнинг мазкур масалалар бўйича асосланган нуқтаи назаримиз сайловларни бевосита ташкил этишга оид йўриқнома ва қоидаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинишига умидвормиз.

**— Бугунги кунда партия ташкилотлари учун, парламент ислоҳоти муносабати билан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўришда энг асосий нарса нима деб ҳисоблайсиз?**

— Биринчидан, қонун сиёсий партиялар томонидан, сайловга тайёргарлик кўришда, муайян вақт билан аниқ боғланган, қатор ҳаракатларни кўзда тутади.

Бу — партиянинг сайловларда иштирок этишини қўллаб-қувватловчилар имзосини тўплаш, тегишли ариза ва имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатдан ўтказишга тақдим этиш, сайловолди ташвиқот ишларини ташкил этиш, сайлов участкаларида бўладиган кузатувчиларни белгилаш. Айни пайтда, худди шундай иш, худди шу муддатларда давлат ҳокимияти маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўладиган сайловлар муносабати билан ҳам амалга оширилиши лозим.

Бу ишларга фаолларимизнинг етарлича катта гуруҳлари жалб этилади. Депутатликка номзодлар ўзларига хос вазифаларни бажарадилар. Ишончли вакиллар таркиби асосан партия фаоллари орасидан танланади. Партиянинг кўплаб аъзолари келгуси сайловолди кампаниясида ташвиқотчилар, тарғиботчилар вазифаларини бажарадилар. Сайлов округлари ва участкаларига тайинланадиган кузатувчиларимиз алоҳида талабларга жавоб беришлари лозим. Улар фақатгина сайлов қонунчилиги қоидаларини билиши эмас, балки бевосита сайлов куни вужудга келиб қолиши мумкин бўлган вазиятларда аниқ ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш кўникмаларига ҳам эга бўлишлари керак.

Биз бу фаолларни қонунчиликнинг янги қоидалари ва улардан сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш кўникмалари, тегишли билимлар билан қуроллантиришимиз лозим. Шу боис, Марказий Кенгаш май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, сайлов кампанияси бошланишига қадар, партия фаоллари учун туркум минтақавий семинар-тренинглар ташкил этишни, улар учун тегишли услубий қўлланмалар тайёрлашни режалаштирмоқда.

**— Бўлғуси сайлов кампаниясида партия қандай натижаларга эришишни мўлжалламоқда? Бунинг учун қонунчилик нуқтаи назаридан барча шарт-шароитлар таъминланганми?**

— Биз, парламент ислоҳоти талабларига мувофиқлаштирилган сайлов қонунчилигида, сиёсий партияларнинг сайловларда самарали иштирок этиши учун етарли шароитлар яратилган деб ҳисоблаймиз.

Табиийки, бизнинг партиямиз ўз олдига, барча бошқа партиялар каби, сайловларда Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларидаги депутатлар корпусида салмоқли ўринни эгаллаш учун курашишни мақсад қилиб қўйган. Лекин, тегишли имкониятларни яратган қонунчилик, бир пайтнинг ўзида бундай натижани барча сиёсий партияларга кафолатламайди, албатта. Шу билан бирга, у уларнинг бирортасига бир томонлама имтиёз ҳам бермайди.

Демак, сайловларда сайловчилар овози учун ниҳоят даражада қаттиқ ва кескин рақобатли кураш юз беради. Барча ташкилотларимиз бу курашга тегишлича тайёргарлик кўришлари лозим. Жорий йил март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII пленуми бу масалада аниқ йўл-йўриқлар берган.

Огоҳлик

# ИСЛОМ ЗУҲУРИНИНГ

## ТЕРРОРИЗМНИНГ ВАТАНИ, МИЛЛАТИ

Маълумки, собиқ коммунистик тузумнинг ҳалокати натижасида турли мафкуралар ўртасидаги қарама-қаршиликка расман чек қўйилди. Дунё умуминсоний қадриятлар устуворлиги йўлида тобора бирлашиб, уйғунлашиб, демократик дунёқараш, тафаккур борган сари одамлар онги, дунёқараши неъматига айланиб бормоқда. Инсоният ниҳоят, ўзини асраб қола олиш, ўзини асрай билишдек, комилликка онгли, ҳамжиҳат бўлиб интила бошлади. Турли ривожланиш даражасига эга бўлган миллатлар, халқлар, давлатлар қисматлари умумтақдир олдида бир эканлигини англаб етишмоқда. Бу, албатта, ибратли сабоқ, умидбахш истиқболдир.

Лекин инсоният такомилининг ҳозирги босқичи эндиликда бошқача ғоявий-мафкуравий хавф реаллигига дуч келди. Динлараро, айниқса, мазҳаблараро зиддиятлар дунёни ҳамон беқарорлаштириб турибди.

Яна бир муҳим муаммо бевосита халқаро террорчилик ва унинг таърифи билан боғлиқ. Дунёнинг қайси бурчагида террорчилик ҳаракатлари содир этилса, уни ҳозирги кунда негадир ислом ақидапарастлиги, ислом терроризми, деб аташ одатий русумга айланди. Наҳотки, терроризмнинг ватани, миллати бўлмаган ҳолда, унинг дини бўлса? Ислом динининг энг ёш илоҳий цивилизация эканлигини, муборак Қуръони карим энг сўнгги илоҳий калом, шариат сифатида ўзидан олдинги динларнинг барча мумтоз, муқаддас, умуминсоний мазмун-моҳиятга эга мундарижасини ўзида мужассам этганлигини ким билмайди, дейсиз. Наҳотки, Ислом тинчлик, осойишталик, эзгулик дини эканлигини ана шу фитначилар, террорчилар, ақидапарастлар билишмаса?! Бир ва ягона Аллоҳ ғояси айнан мусулмонлар муқаддас китобининг асосий мундарижаси-ку! Қуръони карим бошқа шариатларнинг ҳурматини жойига қўйган, уларга эътиқод қилувчилар ҳам Яратганнинг бандаларидир, деб тан олган ягона Каломку! Маърифатли дунё учун бу оддий ҳақиқат.

Маълумотларга кўра, ер юзида 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ мусулмон яшайди. Уларнинг 47% — ханафия, 27,1% — шарифия, 17,4% — маликия оқимларига дахлдор. 92,5% мусулмонлар суннийлик, 7,5% мусулмонлар эса шиа мазҳабига мансуб. Жаҳонда 50 дан ортиқ мусулмон давлати мавжуд. Мусулмон, Ислом цивилизациясисиз инсониятнинг кечаги, бугунги ва эртанги кунини тасаввур қилиб бўлмайди. Модомики шундай экан, нега муқаддас ислом динини «Ислом экстремизми», деб ҳақорат қилишади. Ахир, бир гуруҳ ақидапарастларнинг қилмиши, деб бутун ислом дунёсини айблаш керакми? Нима, бошқа динларга эътиқод қилувчилар орасида диний ақидапарастлар йўқми?! Оммавий ахборот воситаларининг эътирофига кўра, биргина АҚШнинг ўзида 800 дан ортиқ экстремистик ташкилот бор ва уларнинг 200 таси ўз ёвуз мақсадлари йўлида ҳамиша куч ишлатишга тайёр.

Исломда инсон мўминликка даъват этилади. Бунинг аслида буюк Инсон моҳияти ётибди. Мазкур ғояни тўғри тушуниш ва қабул қилиш учун инсонда теран исломий маърифат ва юксак исломий маданият бўлиши керак.

Маърифий дунёнинг уюшиб бориши, бирлашувига тўсқинлик қилувчи яна бир иллат динлардаги мазҳаблараро ички душманчилик билан боғлиқ. Мазҳаблар ўртасидаги зиддият христиан динида ҳам (католиклар билан православлар), ислом динида ҳам (суннийлар билан шиалар) ҳамон мавжуд. Мазҳаблараро низолар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Айниқса, ислом оламида. Суннийлар билан шиалар тўқнашувларида қанча бегуноҳ одамлар нобуд бўлди. Умум, ягона мақсад, эзгулик йўлида бирлашиш ўрнига, икки душман лагерга бўлиниб, ўзаро уришиш фақат ҳалокатга, фожиага олиб келишини наҳотки, мусулмонлар англаб етмаса, наҳотки, улар Қуръони карим талабларига риоя қилмаслик улкан гуноҳ эканлигини тушунишмаса?!

Раҳбар маънавияти

# ШАХСДА МУЖАССАМ ҚАДРИЯТЛАР

## МИЛЛАТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Инсон жамият ичра яшар экан, албатта маълум миллий қадриятлар, анъаналар, тафаккур тарзи тизимида камол топади. Ана шу тизим унинг шахс сифатидаги такомилини белгилайди, фикрлаш, ҳаёт тарзини шакллантиради. Шу боис азалдан жамиятда қонун ёки ахлоқ меъёрлари тарзида маълум қоидалар тартибга солиб келинган.

Ўзбек менталитети, тафаккур тарзи, маънавияти ривожи ҳам асрлар оша сайқал топган гўзал ахлоқий фазилатлар ва миллий қадриятлар мевасидир. Истибдод йилларида мустамлакачилар халқимизнинг бу беназир ўзига хослигини йўқотишга уриндилар. Халқ бундай хуружлар чоғида душманларга қарши гоҳида очиқдан-очиқ мардонавор курашди, зулм ҳаддидан ошган мураккаб кезларда эса бу бебаҳо қадриятларни юрагининг тўрида асради. Қўшиқ қилиб куйлади, рақсларда ифода этди, афсонаю маталлар, шеъру достонлар, фалсафий асарлар, тўю маъракалар, анъанаю одатлар бағрига сингдирди.

Истиқлол йилларида бу жавоҳир ҳосилдор заминга тушган уруғ мисоли гуркираб, кўзларни қувонтира бошлади.

Дарҳақиқат, юртимизда чинакам миллий, халқ манфаатларини ифода этадиган, миллатни буюк келажак яратишдек улуғ бунёдкорлик ишига қалбан сафарбар қиладиган мафкурага эҳтиёж сезилаётган эди. Бу эҳтиёж фарзанди истиқболни белгилайдиган, асосий негизи ҳам ўзбек миллатининг минглаб йиллик тарихи, анъаналари, қадриятлари асносида бунёд этилган миллий истиқлол ғояси бўлди.

Ғоя азалдан инсон фаолиятини маълум тартибга, йўналишга солувчи асос бўлиб келган. Кишилик тарихи кўплаб ғояларнинг туғилиши ва таназзулига гувоҳ. Аммо Истиқлол ғояси ҳеч қачон ўлмайдиган, энг умрбоқий ғоядир. Чунки унда алоҳида индивиднинг тор эгоизми, худбинлиги эмас, бутун бир халқ, миллат манфаати устувор бўлади. Худо инсонга инъом этган ҳаётда озод ва фаровон яшаш бахти умиди, ишончи бу ғояга куч беради. Бу куч қалблардаги мана шу эзгу туйғуларга омухта метин иродадан озиқланади.

Миллий истиқлол мафкураси сиёсат санъатининг, яъни буюк ўзгаришларнинг бетакрор таянч нуқтаси бўлиб майдонга келди. Зеро, шўролар тизими пароканда бўлиб, остонада турли хавфлар таҳдид солиб турган кезда янги ўзбек давлатининг стратегик йўлини тўғри белгилаш, жаҳонда умум эътирофга сазовор бўлган демократик, дунёвий давлат, фуқаролик жамияти негизида буюк келажак барпо этиш учун миллатни бирлаштириш, уни фуқаролараро тўқнашувлар, диний экстремизм хавфидан омон сақлаб қолиш чинакам сиёсий донишмандликни тақозо этар эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида терроризмнинг сабаблари, жаҳолат илдизлари, экстремистик гуруҳлар тузоғига тушиб қолган ёшлар ҳақида сўзлар экан, «Улар ижобий маънодаги ворислик, яъни авлоддан-авлодга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан йироқ ўсмирлар» эканига эътибор қаратгани бежиз эмас. Президент миллатимиз табиатида азалдан олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, соддалик фазилатлари устун бўлганини, у жаҳолат ва разилликни ҳеч қачон қабул қилмаганини қайд этар экан, аксарият йўлдан адашганларнинг онгу тафаккури ҳали шаклланмаганини, ақли ва билими етишмаганини, уларни асраш, ёмон йўлдан қайтариш учун керакли пайтда ёнида имон-эътиқоди бақувват, ўзига яқин одам бўлмаганини Ватанимизда рўй берган мудҳиш воқеаларнинг асл сабаблардан бири сифатида келтирди. Бу аччиқ ҳақиқатдир.

Чунки биз миллий истиқлолимиз берган эркинлик шаббодаси мустамлака биқиқлигини синдириб, турфа қадриятларни ўрганиш имконияти туғилган бир кезда дастлаб миллий қадриятларимиз устуворлигини таъминлаш учун тегишли тарбия тизимини яратолмадик. Гоҳида ёшларнинг очиқдан очиқ Ғарб ва ёки бошқа бизга ёт қадриятларига муккасидан кетиш ҳоллари кузатилаётгани бунинг аччиқ оқибатларидандир. Бунга миллий қадриятларни сингдириш бобида биз гоҳо ўта баландпарвозлик, сўзбозлик, хўжакўрсинга иш тутиш, сохтакорлик, алмисоқдан қолган усуллардан фойдаланаётганимиз ҳам сабабдир.

Энди тарихга эътибор қаратайлик. Қадриятлар ва мерос ҳақида гап кетганда энг аввало устоз ва шогирд, мураббий ва талаба ўртасида покиза ишонч, эътиқод, ибрат мавжуд бўлган. Биз мана шу жиҳатга доим ҳам аҳамият бердикми? Қолаверса, таълим-тарбия доимо ҳикмат, ривоят, афсона, матал, шеър, достон, қисса шаклида ўрганилган. Бу ўринда санъатнинг, сўз санъатининг бебаҳо жозибаси қалбларга мана шу қадриятлар маърифатининг жо бўлишида восита бўлган. Юртбошимиз ҳозирги тарбия ва тарғиботнинг гоҳида таъсирчанликдан холи эканини сессияда таъкидлар эканлар, аҳоли, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини айтдилар.

Дарҳақиқат, энг аввало раҳбар кадрлар, давлат вазифасида ўтирганлар, қолаверса, кенг жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз таълим-тарбия, мерос ва қадриятлар тизими такомилига муносиб ҳисса қўшишлари даркор. Зеро, бебаҳо қадриятларга эга бўла туриб, ундан баҳра олмаслик, хазина устида ўтириб қашшоқ ҳаёт кечириш каби номантиқий ҳолатдир. Қолаверса, бизни ўстирган халқ ва аждодларимиз макони бўлмиш шу она тупроқ манфаати, равнақи биздан шуни тақозо этмоқда.

**Кўпайсин АЛИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бўлим бошлиғи**





# ОСОЙИШТАЛИК ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Ватанимиз тинчлиги ва халқимизнинг осойишталигини сақлаш Ички ишлар ходимларидан туну кун бедорлик, ўз касбига садоқат ва она-юртга меҳру муҳаббатни талаб этади.

Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида навбатдаги 278 нафар битирувчи — милиция ходимларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросимида ана шулар ҳақида гап борди. Унда ўқув марказининг битирувчилари, ота-оналар ва меҳмонлар иштирок этишди.

Тадбирда тингловчиларга мазкур ўқув марказининг «Фахрий ёрлиқ»лари ва ота-оналарига «миннатдорчилик хати» топширилди. Шунингдек, ўқув марказини тугатган ҳар бир милиционерни рағбатлантириш тўғрисида марказ бошлиғи, милиция подполковниги Бахтиёр Эрматовнинг буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Албатта, илк маротаба ўтказилаётган бундай тадбир у ерда таҳсил олган, маҳоратини оширган, халқ осойишталигини сақлашдек шарафли хизматга йўлланма олган ҳар бир битирувчининг хотирасида умрбод сақланиши табиий. Чунки, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигидан буюк вазифа йўқ. Бу ҳайқириқ тадбир иштирокчиларининг қалбида акс этиб турди.

✧ ✧ ✧

**Суратларда:** Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида битирувчиларнинг қасамёд қабул қилиш маросимидан лавҳалар.

# БУЮК ҚУТБАСИ

## БЎЛМАГАНИ ҲОЛДА ДИНИ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Шу ўринда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккага сўнгги бор ҳажга борган чоғида ҳажга келган 124 минг мусулмон олдида ўқиган ислом зуҳурининг энг буюк қутбалари баёнини эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмас.

«Эй, инсонлар, сўзларимни диққат билан эшитингиз, билмайман, балки бундан кейин Сиз билан яна бир бор бирга бўла олмасман.

Асҳобим, эски жаҳолат давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди...

Эй, мўминлар, Роббингиз бирдир. Отангиз, онангиз бирдир. Барчангиз одами динсиз.

Одам эса, тупроқдандир.

Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат фазилат ва тақво билан дир.

Шуни яхши билингки, ҳар бир мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Бутун мусулмонлар бир-бирларининг биродарларидир. Айни тенг ҳақларга эгадирлар. Ҳақсизлик қилманглар. Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг. Одамларнинг ҳақларини еманг» (Шундан сўнг орадан уч ой ўтгач, Пайғамбаримиз 632 йил 8 июнда 63 ёшда вафот этдилар).

Қутба аслида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муслимларга сўнгги васияти эди. Аҳли мусулмон, аҳли мўмин ҳозирги кунда нима сабабдан ўша васиятга риоя қилишмаяпти? Аллоҳнинг муборак Каломида «ўзларини биз ислоҳотчилармиз», деб жар солувчилар ошкора қораланган, уларнинг ўз қавмига душманлиги, мусулмон мусулмонни ўлдириши (яқинда Саудия Арабистони ва Мисрда масжидлар портлатиб юборилди) гуноҳи азим эканлиги таъкидланган. Бақара сурасида «Уларга ер юзасида орасида (бузғунчилик) қилманглар», деймиз. Улар, «албатта, биз ислоҳотчилармиз», дейдилар. Зеро, уларнинг ўзлари бузғунчилар, лекин буни ўзлари сезмайдилар. Улар кар, соқов ва кўрлардурлар», дейилган.

Жамиятга, тинч ҳаётга зулму талафот етказиб, бегуноҳ бандалар қонини тўкиш орқали «шаҳидлик» ёки «ғозийлик»ни даъво қилаётган ақидапараст-террорчиларнинг шу йил Тошкент ва Бухорода содир этган ёвузликлари уларнинг кар, соқов ҳам кўрлигидан бошқа нарса эмас. Жон Аллоҳ неъмати, эгаси Парвардигор. Улар ўз жонларига қасд қилиш билан Яратганнинг қаҳр-ғазабига учрадилар ва ҳали яна ўз жазоларини оладилар. Бу онги заҳарланганлар ўз «шаҳидлик»ларини тўппа-тўғри «жаннат»га тушиш, деб ўйлаган бўлсалар керак. Ваҳоланки, Ҳазрати Расул акрам Аллоҳи таоло Ҳадиси қудусийда марҳамат қилурларки, «бандам ўзини-ўзи ўлдириб, менинг унга берган умримга шукур қилмай, шошилади. Шунинг учун унга жаннатни ҳаром қилдим», деганлар.

Саййид Собиқнинг «Фиқҳус Сунна» китобида: «Расулуллоҳ бу мудҳиш феълдан зажр қилмоқ, яъни умматларини қатъиян қайтармоқ учун ўзини ўлдирган шахсларга жаноза ўқимадилар», деб ёзади.

Ўзбекистонни, ўзбек халқини «шаҳидона қаҳрамонликлар» билан чўчитиб бўлмайди. У аллақачонлар чўчиш таҳликасидан ўтиб бўлган. Бу ҳақиқатни, айниқса, «шаҳидлар» ортида турган бузғунчи кучлар яхши англаб олишлари лозим.

Ҳар бир мусулмоннинг қулфи-дили, меҳр-мунаввари, ақл-идроки Қуръони каримдир. У илм-маърифатга олиб боргувчи, эзгуликка чорловчи йўлчи юлдуз эканлигини нафақат Ислом олами, балки бошқа динлар ҳам, соғлом фикрли жамики инсонлар аллақачон тан олган. Дунёда ўзгаришлар кўп, ривожланиш тез. Одамлар онги, дунёқараши, руҳияти тобора такомиллашиб, нима тўғри, нима номаъқул эканлигини теран англаб бормоқда. Маърифий, адолатли, нурли йўлни ўзининг қисмати, деб билмоқда. Қисмат эса жоҳиллик, ёвузлик эмас, балки соғлом маърифат, соғлом сабоқ ва эзгуликка интилишдир!

**Нарзулла ШОДИЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**




### ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРГА КЎРА...

Душанба куни Филиппинда бўлиб ўтган Президент сайловининг дастлабки натижаларига кўра, давлатнинг амалдаги раҳбари Глория Магапагал Арройо хоним рақиб номзод — машҳур киноактёр Фернандо Подан ўзиб кетган, дейилади «Филиппинз дейли инкуайрер» газетаси ахборотида.

Сингапурнинг «Стрейтс таймс» газетаси берган маълумотларга қараганда, Арройо рақибидан 12 фоиз кўп овоз олган.

Сайлов жараёнида сайловчилар 6 йил муддатга нафақат давлат етакчиси ва вице-президент номзоди учун овоз бердилар, балки парламентнинг қуйи палатаси ва сенатдаги ўринлар учун, шунингдек, вице-мэр ва шаҳар кенгашлари аъзолигига номзодлар учун ҳам овоз бердилар. Қисқаси, 17 минг ўрин учун юз мингдан ортиқ номзод кураш олиб борди.

Кузатувчиларнинг фикрича, маҳаллий органлар учун сайловларда Арройо етакчилигидаги «Лакас» партияси ғалаба қозониши мумкин.

### ЧЕЧЕНИСТОН: ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ СЕНТЯБРДА БЎЛАДИ

Чеченистон Республикаси сайлов комиссияси раиси Абдул-Карим Арсахоновнинг маълум қилишича, республика Конституциясига кўра Президент ваколати муддатидан аввал тугаса, узоғи билан 120 кундан сўнг Президент сайлови ўтказилиши лозим. Демак, бу муддат сентябрнинг биринчи якшанбасига тўғри келади.

Аслида Президент сайловини ўтказиш бўйича қарорни Конституцияга кўра парламент қабул қилиши лозим, дейилади «Маяк» радиостанцияси ахборотида. Бироқ Чеченистонда ҳануз парламент таркиб топмаган. Шунинг учун ҳам бу ҳақдаги қарорни республика сайлов комиссияси чиқаради.

Россия Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняковнинг айтишича, сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг у ўтказилгунга қадар камида 80 кун ўтиши лозим. Яна шуни айтиш зарурки, Конституцияга кўра Президентликка ёши 30 дан ошган одамгина сайланади. Демак, Чеченистоннинг марҳум Президенти Аҳмад Қодировнинг ўғли Рамазон Қодиров бу лавозим учун ўз номзодини қўя олмайди. Негаки, у эндигина 27 ёшни қоралади. Конституцияни эса ўзгартириб бўлмайди, чунки у умумхалқ референдумида қабул қилинган.

### МАКТАБЛАР ЁПИЛДИ

Мактаблардаги ўқув учун тўловларнинг норасмий оширилиши Зимбабве ҳукуматининг ғазабини келтирди, дея хабар беради BBC телеканали. Натижада 45 та мактаб ёпиб қўйилди.

Мамлакат таълим вазири Аниас Чигведеренинг айтишича, «мактаблар раҳбарлари тўловни ошириб қўйиб, қора танлиларни мактабдан бездирмоқдалар».

# ИРОҚДА НИМА ГАП?

### РУСЛАР МАМЛАКАТНИ ТАРК ЭТАДИ

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги Ироқда фаолият юритаётган барча россияликларни мамлакатдан чиқиб кетишга чақирди. Бу ҳақда РФ Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Александр Яковенко баёнот берди. Бундай чақириқ аввал ҳам, аниқроғи, апрель ўрталарида эълон қилинган эди.

Баёнот берилишига сабаб, Бағдод жанубида жойлашган Ал-Мусайеба шаҳридаги электр станциясини қайта тиклаш ишларида қатнашаётган россиялик мутахассислардан 3 нафари яқинда автомобилда ишдан қайтаётган пайтда ўққа тутилган. Натижада 1 нафари ҳалок бўлган, 2 нафари гаровга олинган. Улар Россиянинг «Интерэнергосервис» компанияси мутахассислари эди.

Мазкур компания ходимларига ҳужум биринчи марта уюштирилиши эмас, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида. 12 апрелда ҳам 3 нафар россиялик ва 5 нафар украиналик мутахассис гаровга олинган эди. Ўшанда гаровга олган қўзғолончилар гуруҳи уларнинг россиялик мутахассислар эканлигини билгач, қўйиб юборган. Бироқ бу сафар қўлга олган гуруҳ ҳозирча ўзини ошкор этмаяпти.

Ироқда фаолият юритаётган 816 киши (553 нафари россиялик, 263 нафари МДҲ фуқаролари) 12 апрель воқеасидан сўнг мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши керак эди. Аммо 360 нафар россияликкина Ироқни тарк этган. «Интерэнергосервис»нинг 365 нафар мутахассисидан атиги 50 нафаригина Россияга қайтган. Қолганлари фаолиятини давом эттиришга қарор қилганди.

Гап шундаки, «Интерфакс» агентлиги хабар беришича, ироқликлар электр станцияни қайта тиклаш ишлари тўхтатилмаслигини компания раҳбариятидан илтимос қилишган.

Ўшандан сўнг айрим хавфсизлик чоралари кўрилган, яъни шаҳарда яшаб, қатнаб ишлаётган россиялик мутахассислар станция ҳудудидаги уйларга кўчириб келтирилганди. Лекин барибир яна уларга ҳужум уюштирилди.

«Интерэнергосервис»нинг халқаро дастур бўйича директори (Ироқдаги вакили) Евгений Логиневнинг «Эхо Москвы» радиостанциясига берган интервьюсида айтишича, компаниянинг 100 нафар ишчиси 17 майда Ироқдан чиқиб кетади.

Ҳозир 340 нафар ишчи Ироқда фаолият юритмоқда.

### МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ТУЗИЛАДИ

Ироқ муваққат бошқаруви кенгаши аъзоси Аднан Пачачининг «Ал Иракийя» телеканалига берган интервьюсида айтишича, шу ой охирида Ироқ муваққат ҳукумати таркиби тузилади. Ҳокимиятни муваққат ҳукумат ихтиёрига бериш эса белгиланган муддатда — 30 июнда амалга оширилади. Бироқ бу ҳукумат ваколатлари чеклангандир. Яъни 2005 йил январда ўтказиладиган умумий сайловларда айрим техник ва маъмурий масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади холос. Халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқидан эса маҳрумдир.

### ЯНГИ БАЙРОҚ

Голландияда тайёрланган Ироқнинг янги байроқлари биринчи партияси Қувайтга келтирилди. «Аш-Шарқ Ал-Аусат» газетасида берилган хабарга кўра, байроқлар сони 2,5 мингта. Улар полиция кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ироқнинг «Бахасин» компанияси томонидан буюртма қилинган. Байроқлар Британия соқчилари қўриқловида Ал-Қувайт шаҳридан Ироққа етказилади.

Баакуба шаҳрида эса мамлакат янги байроғига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Иштирокчилар янги байроқ намунасини ёқиб юбордилар.

Маълумки, Ироқ муваққат бошқаруви кенгаши 29 апрелда тақдим этилган миллий байроқларнинг 30 хил намунасидан биттасини танлаган эди. Унда ярим ой шакли ва иккита чизиқ (Тигр ва Фрут дарёлари рамзи) акс этган бўлиб, улар кўк рангда берилган. Бу эса кўпгина ироқликларнинг ғазабини қўзитганди, негаки, Исроил байроғига ўхшаб қолган.

Ироқ муваққат бошқаруви кенгаши аъзоси Аднан Пачачининг айтишича, байроқ мутлақо арабча эмас. Унинг фикрига кўра, ярим ой шакли исломий ранг — яшилда, чизиқлар эса қизил рангда бўлиши лозим.

### СУД ИЮЛДА БОШЛАНИШИ МУМКИН

Ироқ муваққат бошқарув кенгаши аъзоси Аҳмад ал-Баракнинг «Ас-Сабоҳ» газетасига берган интервьюсида айтилишича, Ироқнинг собиқ диктатори Саддам Ҳусайн устидан суд шу йил июлда бошланиши мумкин.

Тергов органларининг судга тайёргарлик кўриш ишлари якунига етди. Тергов-суриштирув ишлари уч йўналишда олиб борилди: яъни оммавий қирғин қуролларидан фойдаланганлик, терроризмни қўллаб-қувватлаш ва Ироқ халқига тегишли молия воситаларининг яширилиши.

Ўтган йил декабрда Ироқ бошқарув кенгаши диктаторни суд қилиш учун махсус трибунал тузиш ҳақида қонун қабул қилган эди. Норасмий манбаларга қараганда, шу йил апрелда Ироқ Муваққат бошқарув кенгаши унинг таркибини маъқуллаган. Лекин кенгаш спикери Ҳамид ал-Кифаининг расмий баёнот беришича, хавфсизлик нуқтаи назаридан уларнинг исми-шарифи ошкор этилмайди.

**Ғайрат СУЛТОНҚУЛОВ**
**тайёрлади**

# СОҲИБҚИРОН ВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур давлати билан Кастилия ва Леон қироллиги ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилганлигининг 600 йиллигига бағишлаб илмий ва маънавий-маърифий тадбир ўтказилди ҳамда шу сана муносабати билан «Амир Темур — Клавихо — Самарқанд» деб номланган кўргазма очилди.

«Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш» уюшмаси раиси Керен Люсен, «Амир Темур – Клавихо» уюшмаси президенти, Ўзбекистоннинг Мадрид шаҳридаги фахрий бош консули Сантъяго Руиз-Моралеслар Соҳибқирон бобомизнинг Европа тараққиётида тутган ўрни ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида фикр юритдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейлари, шунингдек, тарих институти ходимлари томонидан тайёрланган «Амир Темур – Клавихо — Самарқанд» мавзуидаги кўргазма экспонатларининг ноёблиги ва бениҳоя катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги билан анжуман иштирокчиларида ёрқин таассурот қолдирди.

Кўргазмада намойиш этилаётган Испания қироли Генрих III де Трастамара ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг расмлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, машҳур элчи қаламига мансуб «Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» китобининг турли тилларда нашр этилган нусхалари, Соҳибқирон салтанати тўғрисидаги таассуротлардан томошабин ҳайратга тушмай қолмайди.

Амир Темур ва темурийлар даврига оид ёзма манбалар, айниқса, буюк бобомизнинг Европа давлатлари билан ўрнатган дипломатик муносабатлари тарихига доир қимматли маълумотлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, шу ернинг ўзида Амир Темур ва темурийлар даври билимдони Ф.Бреснан қаламига мансуб «Мўъжизакор Самарқанд» китоби тақдимоти ҳам ўтказилди. Унда ўзбек олимларидан Т.Ширинов, А.Аҳмедов, О.Бўриевларнинг маърузалари тингланди. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, анжуман қатнашчилари қадим Самарқандга йўл олдилар.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi» аукцион ва такроран танлов савдоларига таклиф этади!**

2004 йил 17,24 июнь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси 88-уйда жойлашган, «Тошкент-нон» ишлаб чиқарувчилар уюшмаси жавобгарлигида сақланаётган «Савоб-нон» кичик давлат корхонасининг балансидаги «Экмасан» кичик нон ёпиш технологик линияси.

**Бошланғич баҳоси — 3 700 000 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

**2004 йил 27 май, 3 июнь кунлари соат 12.00 да республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 45-хонада ўтказиладиган танлов савдосига қуйидаги объект фаолият турини ўзгартирмаслик шарти билан қўйилади:**

Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Амиробод қўрғонида жойлашган «Бухоро газ тўлдириш станцияси» давлат корхонаси (мулкий мажмуаси).

**Бошланғич баҳоси — 121 012 000 сўм.**

Талабгорларнинг муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалари, объектни сотиб олиш нархи бўйича таклиф ва аризалари 3 кун олдин тўхтатилади, яъни 24 май соат 12.00 гача қабул қилинади.

Агар шу куни талабгорлардан етарли миқдорда таклифлар тушмаган ҳолда, савдо юқорида кўрсатилган тартибда 2004 йил 3 июнда ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Танлов савдосига талабгорлар томонидан тушган таклифларни кўриб чиқишда берилган юқори нарх ва бизнес-режа инобатга олинади.

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***

***Имкониятингизни бой берманг!***

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 8-хона.

***Маълумот учун телефонлар:*** 136-28-75, 133-25-21, ***Факс:*** 136-06-17,

***Веб сайт:*** www.rkmb.expo.uz

✧✧✧

Газетанинг шу йил 8 апрель сонида чоп этилган очиқ акцион савдолари рекламасининг 2 бандида кўрсатилган, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида жойлашган профилакторийнинг бошланғич баҳоси — 87 836 700 сўм ўрнига, 85 925 400 сўм деб ўқилсин.

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# АХБОРОТ АЙИРБОШЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ВОСИТА

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ҚОРАҚАЛПОҚТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»**ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижроси борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилингандан буён қарийб икки йил вақт ўтди. Бу давр ичида иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотларни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахбороти ресурсларига жадал кириб боришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида соҳада талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Қорақалпоқтелеком» филиалида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Филиал ва унинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлинмаларида аҳолига ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик субъектларига юксак сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатиш саъй-ҳаракатлари бошланди. Телефон рақамлари сони йил сайин ортиб, шаҳарлар ва туманлараро алоқа миқёси кенгайди. Ўтган йили режадаги барча кўрсаткичлар ортиғи билан уддаланиб, 1150 та ўрнига 3780 та янги телефон нуқталари ўрнатилди. Ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи кўзланган 52477 сўмдан 63585 сўмга етказилди. Алоқа линияларини таъмирлаш бўйича белгиланган барча юмушлар тўла ва ортиғи билан адо этилди. Филиал бўйича асосий фаолият доирасида 31372295,0 минг сўмлик, шу жумладан, аҳолига 1644039,9 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. 10086 та халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувларга имкон яратилиб, 42,9 мингта телеграммалар тегишли манзилларига вақтида узатилди. Натижада, умумий хўжалик фаолиятидан 175209 минг сўм даромад олиниб, соф даромад 40792 минг сўмни ташкил этди.

Бу рақамлар филиал бугунги кунда молиявий ҳолатига кўра барқарор хўжалик юритувчи субъектлар сирасига кирганлигини яққол кўрсатиб турибди. 2003 йил давомида 3216852,7 минг сўм маблағ тушириліб, даромадга яраша буромад ҳам қилинди. Ишлаб чиқаришга 2340298,0 минг сўм сарфланди. Кредиторлик ва дебиторлик қарзлар ҳажми камайди.

Сир эмас, телефон тармоғининг айрим абонентлари баъзан кутилмаган ноқулайликлар сезиб қолишади. Дейлик, телефон тўсатдан ўчиб қолиши мумкин ёки алоқа ходимлари айби билан хизматдан фойдаланувчилар ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари юз беради. Бундай нохушликлар олдини олиш учун филиал маъмурияти сифат бўйича ишлайдиган мутахассислар билан юзага келган вазиятни ўрганиш борасида ой сайин мунтазам мунозара олиб боришади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, янги технологияларни жорий этиш борасида режалар тузилади, тегишли чоралар кўрилади. Шу боисданки, сўнгги пайтларда фуқароларнинг алоқа ходимлари ишига бўлган эътирозлари сони ҳам тобора камайиб бормоқда. Қиёс учун бир мисол: агар 2002 йилда 172 та норозилик аризаси олинган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич 125 тага тушди.

Республика телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача ривожлантириш Миллий дастурининг иккинчи босқичи талабларини амалга ошириш борасида филиал томонидан 2003 йилнинг июль ойидан эътиборан қатор ибратли ишларга қўл урилди. Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой, Бўзатов, Манғит, Шуманай ва Қонликўл туманлари телекоммуникация боғланмаларида шиша толали алоқа линиялари ўрнатилиши жадал бошланди. Нукус шаҳрида тезкор ва узлуксиз алоқани таъминлашга хизмат қилувчи кўп каналли асбоб-ускуналар ўрнатилишига киришилди. Бу — яқин келажакда шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сифати ва сони янада ортишидан далолат.

Ҳозир барча туманлар ва Нукус шаҳридаги алоқа тармоқларида абонентларнинг телефон рақамини биринчи сўровдаёқ аниқлаб бера оладиган маълумот хизмати фаолият кўрсатаяпти. Бинобарин, кейинги пайтларда тармоқларни таъмирлаш, қайта қуриш ва ташкилотлар номи тез-тез ўзгариши муносабати билан ҳамда телефон маълумотлари китобчаларини босиб чиқаришда босмахона, савдо харажатлари ошиб бориши натижасида сарфиёт нархи 4,5-5 минг сўмга кўтарилиб кетганлиги боис мазкур тармоқ барвақт ишга туширилди.

Телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш мақсадида 2004 йилда тўртта туман марказидаги эски АТСлар янги электрон алоқа тизими билан алмаштирилади ва ягона ахборот майдони вужудга келади. Бу ЭАТСлар ҳам ишга туширилгандан сўнг эса алоқа хизмати кўрсатиш даражаси шубҳасиз, янада ортади.

Хорижий мамлакатлар кредитлари ҳисобига республика телекоммуникациялар тармоғини янгилаш ва такомиллаштириш бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Япониянинг JBIC халқаро ҳамкорлик банки томонидан станциялар ва станциялараро боғланмаларга янги дастгоҳлар сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

— Бундан беш юз йиллар илгари ҳазрат Навоий «Агар огоҳсен — шоҳсен, сен» деб ёзган эдилар, — дейди шоирона ташбеҳ билан филиал директори Қайрат Таженов. — Бизнинг вазифамиз ҳам хабарларни манзиллардан-манзилларга, одамлардан-одамларга вақтида етказиб бериб, уларни огоҳ этиб хизмат қилишдан иборат. Бу йўлда биз алоқа каналларини ижарага ҳам бераяпмиз, электрон АТС бўйича яна 14 хил қўшимча хизматлар ҳам кўрсатаяпмиз. Келгусида Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларида филиалимизнинг ўз «Интернет кафе»ларини очиб, тармоқда интернет хизмати кўрсатишни режалаштирдик. Шунда шаҳар ва туманлар марказлари рақамли телекоммуникация тармоғи билан тўла таъминланади, замонавий-ахборот тармоқларига бемалол уланиш имкони яратилади.

Шу кунларда «Қорақалпоқтелеком» филиалига қарашли 39 та АТС шаҳарлардаги 107850 та, қишлоқ жойлардаги 163 та АТС эса 25050 та рақамли телефонга самарали хизмат кўрсатаётир. Телекоммуникация боғланмаларининг Чимбойдаги бошлиғи Қорабой Кожамжаров, Мўйноқдаги Бахитбой Мамбетмуратов, шуманайлик электр монтёр Сарсенбой Қорлибоев сингари тажрибали мутахассислар бу йўлда ўз касб маҳоратларини ўнлаб ёшларга сидқидилдан ўргатиб боришаяпти. Акимниёз Ембергенов, Бердимурат Абдумуратов, Турганбой Пайзуллаев ва Омонгелди Ахманов каби фахрийларимиз хизматини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз...

Мухтасар айтганда, филиал жамоаси хизматидан мижозлар хурсанд.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧



**Суратда:** филиал ходимлари фаолиятидан лавҳа.

*I*

